

Аллоҳдан қўрқиш ёдингиздан кўтарилмасин!



13:45 / 03.01.2020 3482

وَأَعْلَمُوا اللَّهَ وَاتَّقُوا لِأَنْفُسِكُمْ وَقَدِمُوا شَيْئًا أَنِّي حَرَّتُكُمْ فَأَتُوا لَكُمْ حَرَّتْ نِسَاؤُكُمْ

﴿٢٢٣﴾ الْمُؤْمِنِينَ وَبَشِيرٍ مَلَقُوهُ أَنْكُمْ

Бақара Аёлларингиз экинзорларингиздир. Бас, экинзорингизга хоҳлаганингиздай келинг. Ўзингиз учун (яхшилиқ) тақдим қилинг. Ва Аллоҳга тақво қилинг ҳамда билингки, албатта, Унга рўбарў келувчисиз. Мўминларга хушхабар бер. (Бақара сураси, 223-оят).

Эр-хотин орасидаги ҳассос ва нозик алоқа Қуръони Карим оятларида ўзига хос услуб билан тасвирланади. Аввалги оятлардан бирида эр-хотинни бири-бирига нисбатан кийим - либос деб таъриф қилинган эди. Бу оятда эса

аёллар экинзорга ўхшатиляпти. Экинзорга уруғ ташланса, ҳосил униб чиққанидек, аёлга эркакдан тушган уруғликдан фарзанд униб чиқишига ишоратан:

«Аёлларингиз экинзорларингиздир», – дейилмоқда.

Модомики, улар экинзор эканлар,

«Бас, экинзорингизга хоҳлаганингиздай келинг».

Яъни «Хоҳлаган вақтингизда, хоҳлаган ҳолатингизда жинсий яқинлик қилинг. Айни чоғда мақсад, кўзланган ғоя эсингиздан чиқмасин:

«Ўзингиз учун (яхшилиқ) тақдим қилинг».

Аллоҳдан қўрқиш, Унга тақво қилиш ёдингиздан кўтарилмасин.

«Ва Аллоҳга тақво қилинг ҳамда билингки, албатта, Унга рўбарў келувчисиз».

Демак, эҳтиёт ва ҳушёр бўлиш керак. Оятнинг охирида Аллоҳга рўбарў келганда мўминларга яхшилиқ бўлишини таъкидлаб:

«Мўминларга хушxabар бер», – дейиляпти.

«Тафсири Ҳилол» китобидан